Бу кунларда Туркистоннинг «фотихи» бўлгон генерал Фун Кауфманнинг Самарканд шахрини олгондан кейин халкни тинчликка даъват килиб ёзгон бир хитобномасининг асли нусхаси кўлимизга тушди.

1868 йил 2 май (янги хисоб билан 18 майда) Фун Кауфман амир Музаффар аскари билан урушиб, Самаркандни олгоч, сўнгра Самарканд аркида бир мунча аскарни кувиб, ўзи кўшини билан Катгакўргон ва Панжшанби томонга юриш этадир. Шу чогда амирнинг ўгли Гузор хокими Абдумалик тўра Шахрисабз ва Китоб халки билан бирлашиб, Самарканд калъасини бир неча кун мухосара этди, яна амирнинг бир турли тадбири билан таркалишдилар.

Шу орада генерал Фун Кауфман амирнинг кўшинига галаба килиб, уни сулхга мажбур этадир (2 июн, 1968 йил). Фун Кауфман колома аскари билан кайтиб келиб, Самарканд халкини катли ом килгондан сўнг, конли кўли билан шу хитобномасини ёзиб, Самарканд халкини тинчликка чакирди (факат имзоси ўзгартирилди).

«Туркистон женерал губернатори барчани огох бўлмок учун маълум киладур. Подшох императорга тобе юрт ичинда давом-тартиб ва осойишталикни тушурмай ушлаб турмокни ва хамсоялар билан тотувлик ва ошнолик килиб турмокни маним давлатхохим манга буйрук килиб эди. Жаноби олий Бухоро Амири ок подшохнинг хайрлик ниятига кўб вакт инобат килмади. Тотувлик хакинда ихлоси ишондирганимга шубха килиб, Бухорб вилоятига фойдали меним юборган ахцномамга кўнмади. Тотувлик килмок учун Ўрусия ерининг четидан аскарларим билан кўтарилиб чикмокка тейишли бўлди.

Самарканд ва Каттакўргонни олгонимдан сўнг, неча маротаба Бухоро аскарлари устидан галаба бўлгандан сўнг, охир Амир кўрдики, ўрус билан сугуш килмок Бухоро халоклигига борадир. Уз фойдаси учун ва Бухоро халкининг хайриятлиги учун Ўрусия билан тотувликда ва ошноликда турмок авлорокдир.

Улуг императур хазратлари ихтиёри эмди бажо келтирилди, комил рози бўлгоннинг ростлигига ўз мухри билан юборилган ахдномани махкам килиб Ўрусия билан яраш килди. Мундан буён Ўрусия билан Бухоронинг сархад ерлари будур:

Зарафшон даласини Шахрисабз бегига тобе ердан ажрататургон тогнинг усти билан Зарафшон дарёсига караб боратургон тоглар билан ёндан сўл, магриб тарафи Каттакўргондан Зарафшон дарёсининг даласи оркали Ок тогнинг устини кесиб ўтиб, сархади магриб тарафи Нурота кўргонини Бухоро вилоятига колдируб, Нурота тогининг баланд тепаси билан юрур.

Ушбуни улуг ок подшохнинг тобеида бўлгувчиларнинг барчасига маълум килиб амр киламан: чет ернинг босмогидан кўркмайинча, тотувликда ва тинчликда турингизлар, ўз ишларингиз: дехкончилик ва касб-савдоларингизни килингизлар. Тинчликни бузгон ок подшохнинг душманлари, албатта, халкнинг хам душманлари, шундайин одамларни ушлаб хокимингизга топширингизлар, конун бўйинча жазо берилмаги учун.

Ёзилди 21 саратон, 1868 йилда Самарканд шахринда.

Туркистон генерал губернатури адютанд Фун Кауфман мухрларини босдилар. Хитобноманинг остида Фун Кауфманнинг ўзбекча ёзувли мухри бор. Ичидаги хати шудир: «Туркистон генерал губернатури хенерал-адютанд Фун Кауфман».

Бу хитобноманинг тил жихатдан хам ахамияти йўк эмас. Хитобномада «генарал» сўзи уч ўринда уч турли ёзилгон. Бунда тотор тилининг таъсири борлиги хам кўринадир. Чунки рус аскари ичида тотор бўлгонидек, аскар бошликлари хузурида тотордан тилмочлар хам бор эди.

«Маориф ва ўкутгувчи» журнали, 1926 йил, 1-сон